# МУСТАҚИЛЛИК АЙЁМИГА 21 КУН ҚОЛДИ

## БУ — МЕНИНГ БАЙРАМИМ!
## БУ — СЕНИНГ БАЙРАМИНГ!
## БУ — ҲАММАМИЗНИНГ БАЙРАМИМИЗ!




*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

10 август, шанба, 1996 йил

Сотувда эркин нархда. № 161 (1414)


## ХАЛҚҚА СОДИҚ БЎЛИШГА ҚАСАМ

9 август Борис Ельциннинг Президент вазифасини бажаришга киришишига бағишланган расмий маросим Россия Федерацияси ҳаётидаги асосий сиёсий воқеа бўлди. Борис Ельцин бўлиб ўтган умумхалқ сайловида Россия давлати бошлиғи лавозимига қайта сайланган эди.

Маросимда иштирок этишга таклиф қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу воқеа арафасида кечқурун Москвага келди. Давлатимиз бошлиғини Москванинг Внуково аэропортида Россия ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Владимир Каданников кутиб олди.

...9 август куни туш пайтида Давлат Кремль саройида Россия Марказий сайлов комиссиясининг раиси Николай Рябов умумхалқ сайлови якунлари тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг қарорини эълон қилиб, Россия Федерацияси Президентига тегишли гувоҳномани расмий равишда топширди. Борис Ельцин мамлакат Конституцияси матнига ўнг қўлини қўйиб, мустақил Россиянинг халқига ва Асосий қонунига содиқ бўлишга Президент қасамёди сўзларини тантанавор ифода қилди.

Россия Президенти вазифасини бажаришга киришишга бағишланган расмий маросим узоқ давом этмай, ишчан вазиятда ўтди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бўлиб ўтган тантанали воқеа аҳамиятига баҳо берар экан, Ўзбекистон ва Россия халқлари ўртасида вужудга келган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари бузилмаслигига ишонч билдирди ҳамда бу яхши ва ўзаро фойдали алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг катта истиқболини таъкидлади.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Москвадан Тошкентга қайтиб келди.

Пойтахт аэропортида давлатимиз бошлиғини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, республика бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили В. Ринза бор эди.

**ЎзА.**

*11 август — Қурувчилар куни*

## БУНЁДКОРЛАР БАЙРАМИ

Ўзбекистон қурилиш мажмуининг меҳнаткашлари анъанага мувофиқ 11 августда касб байрамини нишонлайдилар.

Қурувчилар кунига бағишланган тантанали йиғилишда республика қурилиш мажмуи ходимларининг ишга туширилаётган иншоотлар сифатини яхшилашга, уларни қуриш ишларини тезлатишга, давлат сарфлаётган маблағдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир вазифалари тўғрисида гап борди. Тантанали йиғилиш пойтахтдаги «Туркистон» саройида бўлди. Бу ерда тўпланганларни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков самимий табриклади.

Тантанали йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Р. Юнусов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов иштирок этдилар.

Ўзбекистон санъат усталари тантанали йиғилиш иштирокчиларига катта концерт қўйиб бердилар.

**(ЎзА).**




# ИСЛОМ КАРИМОВ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

### Портретга чизгилар

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНИДА МОСКВАДА, ЎЗБЕКИСТОННИНГ РОССИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ПАЛЕЯ» ХАЛҚАРО НАШРИЁТИ «XX АСР ХАЛҚ ДОҲИЙЛАРИ» ТУРКУМИДА ЧОП ЭТГАН «БАРҚАРОРЛИК ВА ИСЛОҲОТЛАР» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТГАНИ ҲАҚИДА ХАБАР ҚИЛИНГАНДИ.

БУГУНДАН БОШЛАБ АНА ШУ КИТОБНИНГ «ИСЛОМ КАРИМОВ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ» ДЕБ НОМЛАНГАН МУҚАДДИМАСИНИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ.

Сўнгги пайтларда Ўзбекистонга нисбатан «биринчи марта», «илк бор», «аввал ҳеч қачон» сингари сўзлар кўп ва хўп ишлатилмоқда. Дарҳақиқат, 1989 йилдан кейин республика ҳаётида шунчалар кўп воқеа ва ўзгаришлар содир бўлдики, бошқа бир даврда бунинг учун ўн йиллар керак бўлар эди. Буларнинг ичида — Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши, Президентлик институтини жорий қилиш ва республика тарихида биринчи марта Президентлик учун демократик сайлов ўтказилиши, ҳуқуқий янги давлат қурилиши алоҳида ажралиб туради.

Ислом Каримов Ўзбекистон сиёсий майдонида шиддат билан ярқ этиб пайдо бўлди. Оддий, бироқ фикрлаш тарзи ўзига хос, ўз касбининг билимдони, лекин ҳамма вақт ҳам «қулай бўлмаган», фикрини истаган бошлиққа очиқ айта оладиган киши сифатида танилган Давлат режа қўмитаси мутахассиси Ўзбекистонни мустақилликка олиб келган республикадаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва етакчиси бўлади деб, 80-йилларнинг ўрталаригача ҳеч ким башорат қила олмас эди.

Уни кўпинча прагматик дейишади. Ислом Каримов буни рад қилмайди. У ҳамиша сиёсий хаёлпарастликка ўхшаш популизмга қатъий, аммо ҳаётда ўзини оқлаган реалликни қарши қўяди. Прагматизм, жумладан сиёсий прагматизм унинг нуқтаи-назаридан қараганда ҳар қандай ғоя ўз-ўзини овунтирувчи қадрият эмас, аввало, инсон ва жамиятнинг кундалик фаолият қуролидан иборатдир. Мабодо шундай таққослаш ўринли бўлса сиёсий прагматизм сиёсий идеализмга қарама-қарши-ку.

Аммо савол туғилади. Хўш, мисол учун идеалист ўзи таянган ғояси чиппакка чиққанда нима қилади? Обрўсизланса-да, ўжарлик билан қаттиқ туриб уни ҳимоя қиладими? Воқеаларга ақл кўзи билан қаровчи соғлом фикрли сиёсатчи-прагматик бундай вазиятда эскириб яроқсиз ҳолга келиб қолган ғояни нафақат кераксиз дахмазадек улоқтириб ташлайди, балки ундан энг яроқли қисмини олиб, янги йўналиш бўйича қатъият билан ўз йўлини давом эттиради.

### ПАРВОЗ

Ислом Каримовнинг таржимаи-ҳоли унинг миллионлаб тенгдошлариники сингари оддий. У 1938 йил Самарқандда хийла камбағал оилада дунёга келди. Болалиги урушга, ўсмирлиги эса анча оғир йилларга тўғри келди. Ота-онаси ўғли мактабни тамомлаб, Тошкентга келиб Политехника институтига ўқишга кирганда деярли ҳеч қандай ёрдам беришолмади. 1960 йил у инженер-механик дипломини олди. Албатта, институтдаёқ у истеъдодли, мақсад сари қатъият билан интилувчи студент сифатида танилган эди. Курсдошлари ва ўқитувчиларининг эслашича, бутун ўқиш давомида фақат у қаттиққўл математика ўқитувчиларидан «аъло» баҳо олган. Ўқишдан кейин истеъдодли йигитнинг танлаш имкони бор эди. Аммо у кўпчиликни ҳайрон қолдириб аспирантурани, соф фанни эмас, заводни, ишлаб чиқаришни, меҳнат жамоасини афзал билди. Мастер ёрдамчиси, мастер, технолог вазифалари унинг мансаб пиллапоялари бўлди. Каримовга ишлаб чиқариш қозонида «қайнаш» муҳим эди. У завод ҳаётининг бутун «қора» ва «оқ» доғларини ўз тажрибасида англашни хоҳларди.

Кейин унинг ҳаётидан яна бир бошқа — собиқ иттифоқ ҳарбий-саноат комплексининг энг йирик корхонаси — авиасозлар заводи ўрин олди. Очиқ эътироф этиш керакки, бу заводга тасодифий одамларни қабул қилишмасди. Каримов бу ерда дастлаб инженер, кейинроқ эса етакчи инженер-конструктор бўлиб ишлади. Завод оғир самолётлар тайёрлар эди. Бу мудофаа корхонаси ҳисоблансада, вақти-вақти билан заводни конструкторлик бюроси билан келишолмаслик туфайли бутловчи қисмларни етишмаслиги қақшатар ва ижтимоий тартибсизликлар сира тинчлик бермасди. Ёш мутахассисни қийнаган саволлар уни фақат мудофаа корхоналари эмас, СССРнинг бутун саноати ишлаган амалдаги иқтисодий механизмлар такомил топмаган ва яроқсиз, деган фикрга олиб келди.

Ҳали тўла англаб етилмаган, лекин теран ҳис қилинган қониқмаслик Каримовни Тошкент халқ хўжалиги институтининг сиртқи бўлими даргоҳига етаклади. Кечқурунлари ва дам олиш кунлари иқтисодга оид китобларни ўқиди, ҳамда ижтимоий йўналишдаги бозор хўжалиги танқид қилинган мўъжазгина китобни учратмагунича кутубхона хазинасини битта қўймай кўздан кечирди. Бироқ мазкур китоб муаллифларининг фикрларида мантиқий асос етишмас, баён этилган мулоҳазалар чала-ярим эди. Балки Каримов кўнглида ўшанда илк бор Людвиг Эрхард шаънига айтилган фош қилувчи фикрларга нисбатан жиддий шубҳа уйғонгандир. Ахир, ким нима демасин урушдан кейинги Германияни оғир иқтисодий таназзулдан чиқариш дастури унинг назариясига асосланган эди-да. Натижа эса ҳозирги ГФР тараққиётида шундоқ кўриниб турибди. Буни бошқа бир киши эмас, айнан истеъдодли ташкилотчи, иқтисодчи-олим, министр, вице-канцлер, федерал-канцлер амалга оширди.

1966 йил Каримов Давлат режа қўмитасига ишга ўтиб, фан бўлимининг бош мутахассислигидан раиснинг биринчи ўринбосари даражасигача бўлган пиллапояни босиб ўтиб, жиддий ва қобилиятли иқтисодчи сифатида обрў қозонди. У бу ерда фақат маъмурий-тақсимлаш тизими ички сирларинигина эмас, СССР Давлат режа қўмитасининг ҳашаматли биносида ин қурган ва моғор босган бюрократик аппарат билан тўқнашди. Бу ўринда шахснинг кучи ва тақдирини олдиндан белгилаш ҳақида гапириш ўринли бўлур эди. Ҳа, шундай. Аммо бошқа нарса ҳам бор. Бу — характер қудрати, билишга ташналик, ҳамма нарсага ўз идроки билан англашга интилиш. Каримов ана шундай эди ва худди шундай бўлиб қолмоқда! 1983 йил у молия вазири, 1986 йил эса Давлат режа қўмитаси раиси ва республика ҳукумати раиси ўринбосари бўлди.

Шундан сўнг Каримов таржимаи ҳолида кўпгина радикал-демократларга тинчлик бермаётган тугун пайдо бўлди: беш йил Коммунистик партиянинг катта лавозимларидаги фаолият. Дастлаб Қашқадарё вилоят партия комитети биринчи котиби, сўнг эса республика Компартияси МК биринчи котиби. Партиявий юксалиш ва ўша пайтдаги сиёсий иерархия чўққисига чиқиш энг аввало унинг профессионал маҳорати ва кам учрайдиган ишчанлигидандир.

Каримовнинг ўзи ўша пайтдаги вазиятни мана бундай баҳолаган эди:

«Очиғи, мени собиқ Совет Иттифоқида партноменклатура деб аталмиш нарса жуда бир хил бўлмаганлигини Ғарбда тушунмаслик ҳайрон қолдиради. У моҳият-эътибор жиҳатидан жуда ҳам табақалаштирилган. Йўқ, бу қоғозда эмас, қандайдир партия ҳужжатларида ҳам эмас, мавжуд ҳаётда шундай эди. Ҳар қалай сифат жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи уч гуруҳ одамларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан — бу фанатиклар, коммунистик утопияга чексиз ишонувчилар. Улар учун марксизм-ленинизм дин эди. Бу одамларнинг сўзлари билан эътиқодлари бир эди. Ишлари-чи? Улар қандай фойдали иш қила олардилар? Булар мавжуд реалликдан, ҳақиқий ҳаётдан ажралиб қолган, хаёлий ҳаёт даъватчилари эди. Иккинчи гуруҳ — бу бироз юмшоқроқ айтганда комформистлардир. Булар ҳақиқий касби ва энг муҳими, виждони бўлмаган одамлардир. Улар учун муқаддас ғоялар, коммунизм бўлмаган! Қайси ҳокимият уларга ҳаёт ноз-неъматларини муҳайё қилса, улар ўша ҳокимиятга хизмат қилишга тайёр туришади. Бу ҳокимият коммунизм бўладими ёки антикоммунизм бўладими, улар учун ҳеч қандай роль ўйнамайди. Национал-социализм ёки қандайдир фашизм бўлса ҳам бўлаверсин. Буни шу тоифадаги кўпчилик КПСС ва Совет Иттифоқи тарқаб кетгандан сўнг ўз қилмишлари билан исботлашди. Улар партиявий ўйинлар қоидасини қойилмақом қилиб ўзлаштириб олишганди. Улар қачон ва нима деб гапиришни, қайси пайт сукут сақлашни, кимга хушомад қилишу кимга қандай бақиришни билишар эди. Уларнинг кучи шунда эди. Улар бир нарсани ўйлаб, бошқа нарса ҳақида гапиришарди. Улар балки учинчи бир ишни қилишгандир, демоқчиманми? Бундай десам нотўғри бўлар эди. Махсус соҳаларда улар айтарли ҳеч нарса қила билишмасди. Бу учун профессионал тайёргарлик йўқ эди.

Бироқ, ҳар қандай бошқа мустабид тузум сингари, коммунистик тузум ҳам саноат, қишлоқ хўжалиги, молиявий ишлар, иқтисодиёт соҳасида малакаси бўлган ва махсус билимларга эга одамларсиз яшай олмайди. Агар жоиз бўлса, технократларсиз. Партноменклатуранинг худди шу гуруҳи партиянинг халқ ичидаги обрўйини яратишганди. Ана шу одамлар қаторига ўзимни ҳам, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевни, Қирғизистон Президенти Асқар Акаевни — у Қирғизистон Компартияси МК аппаратида олий ўқув юртлари ва фан бўлимининг мудири бўлган — қўшаман.

Бироқ ҳеч қачон ҳақиқий маънодаги партия ходими бўлмаганман. Ҳатто, ҳаёт йўлини, мартабамни «бошқа томонга сакрашдек» имкониятни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Ва бирданига обкомнинг биринчи котиби бўлдим. Иш бундай бўлган эди. 1986 йил, Давлат режа қўмитасининг раиси сифатида аҳволни чуқур ўрганиб чиққандан сўнг республика иқтисодий ҳалокат ёқасида турганлигини тушундим. «Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши истиқболи ва муаммолари ҳақида» менинг шахсан иштироким билан хат тайёрланиб республика раҳбариятига жўнатилди. Жиддий суҳбатга чоғланган эдим, лекин жеркиб ташлашди. Москванинг ўша пайтдаги гумаштаси, Марказий Комитет иккинчи котиби Анишчев қўпол танбеҳ берди. Умуман худди шу пайтда атрофимда бегоналик ҳалқаси тобора сиқилиб бораётганлигини сездим. Раҳбарият бутунлай четлаштириб қўйди. Менинг бундан буён Тошкентда бўлишим номақбул бўлиб қолди. Қашқадарё вилоятига, Қаршига «сургун» қилинишимга нима сабаб бўлганлиги қисқача шундан иборат.

Бу ўринда шуни айтиш лозимки, партияда ўрнатилган обком биринчи котиби лавозимини эгаллаш қоидаси бузилганди. Мен нафақат стажировкадан, аниқроқ айтганда, КПСС МК аппаратида текширишдан ҳам ўтмадим, балки Сиёсий бюро мажлисида сиртдан тасдиқландим.

Қашқадарё вилояти халқи мени, юмшоқроқ айтганда, эҳтиёткорлик билангина эмас, қандайдир бефарқ қабул қилди. Менинг ўтмишдошимнинг бири ўзининг олдинги қандайдир ножўя ишлари учун жавобгарликдан қўрқиб, ўз жонига қасд қилган эди. Бошқа бировини эса қамашган эди. Баъзи бир одамлар шундай дейишганди: «Янги биринчи секретарь, буям аввалгиларига ўхшаган бўлса керак». Менинг бошимда эса кеча-ю кундуз ўша фикр юрарди: одамларнинг ишончини қозониш керак. Мен бахтлиманки, бунинг уддасидан чиқдим. Мен уч йил обком биносида битта хонада яшадим. Уч йил зоҳидларча турмуш кечирдим. Тўғрисини айтганда, кеча-ю кундуз ишладим. Муболағасиз айтишим мумкинки, нималардир қилишга эришдим. Пахта ишлаб чиқариш 330 дан 550 минг тоннагача кўтарилди, 300 километрлик йўл, бозор, чойхона, бошқа маиший объектлар қурилди. Мен учун эса энг муҳими, вилоятда ҳеч ким Каримов ноҳалол одам эди, дея олмайди. Аксинча, одамлар то бугунга қадар мени интизомли инсон сифатида эслайдилар. Бу билан мен фахрланаман!».

Вақт — тез оқар дарё. Ҳозир ҳам Фарғона фожиасини кўпчилик яхши эсламайди. Аммо, аввал Фарғона, кейин Ўш воқеалари тугунини айнан Каримов ечганлигини ҳам кўпчилик билмаса керак. Ўшандаёқ у собиқ Иттифоқ республикалари раҳбарлари ўртасида фундаментализм қандай фожиаларга олиб келишини биринчи бўлиб тушунди. Каримов Ўзбекистонда шундай шароит яратдики, одамлар миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, бу юртни ўзларининг Ватани деб ҳисоблайдилар.

Ўша йилларни эслаб кўрайлик. Янги жамиятни бошқараётган элитанинг норозилиги, ўзларини арбоб деб ҳисоблагувчиларнинг муқобил изланишлари, барча бошқарув тизимини янгилаш эҳтиёжи ва биринчи галда, совет сиёсий тизимининг ядроси бўлмиш компартиянинг мавжудлиги ишга бутунлай янгича ёндошувни талаб қиларди.

Айнан хўжалик амалиётчисининг соғлом технократизми ва бошқарув элитасининг тарих йўналишига қарши туришга имкониятсизлиги Каримовни ўшанда қабул қилинган қатор урф-одатларни четлаб ўтиб, партиявий мартаба чўққиси сари чиқишга ундадимикин, деб ўйлаб қоласан. Бу ерда тасодиф ва қонуният ҳақида кўплаб гапириш мумкин. Аммо бу ўринда, энг муҳими, мавжуд системанинг нуқсонлари ҳақида баралла ва муросасиз курашган Каримовнинг истеъдоди!

Каримов ўзбек давлатчилигининг бошқарув лавозимига Ўзбекистон айни «советча халқлар дўстлиги» оиласида ҳавас қилиб бўлмайдиган барқарор криминал ном билан «машҳур» бўлган зиддиятли даврда келди.

Сиёсий қутқуга булғанган москвалик коммунистлар Кремлдан текширувчи-назоратчиларнинг бир неча бригадасини Ўзбекистонга жўнатдилар. «Толмас фош этувчилар» тўдасига партия назоратчиси Гдлян раҳбарлик қилди. У Горбачев атрофидаги сиёсатдонларнинг жиззаки даъволарига ялтоқланиб, Кремль ҳовлисига хушомадгўйларча яқинлашиб борди.

«Огонёк» журнали саҳифалари Гдляннинг бирданига ўзбек хўжалик-сиёсий раҳбарияти ҳақидаги сафсаталарига тўлиб кетди. Фашизм устидан қозонилган ғалаба ортида фаолият кўрсатган, бугунги кунда жаҳонда энг замонавий авиалайнерлар ишлаб чиқараётган, Ўзбекистонни бутуниттифоқ боғига айлантираётган, дунёда пахтадан энг кўп ҳосил олаётган, москвалик нодон сиёсатчилар ихтиёри билан ҳар йили пахта далаларида кимёвий дорилар билан заҳарланаётган меҳнаткаш халқ Гдлян назарида бирданига, бир соатда криминал халққа айланди-қолди.

Ислом Каримовнинг хизматлари шундаки, у ўз халқи учун қатъий курашга киришди, ҳар қандай криминал лўттибозликларни, амал илинжида кўҳна ўзбек тупроғида томоша кўрсатмоқчи бўлган ҳар хил каззобларнинг туҳматларини тўла рад этди.

Ўтмиш ҳамиша биз билан. Муҳими шундаки, большевизмнинг ҳақиқий хусусиятини ким ва қандай намойиш этади: тизимнинг оғирликларини бардош билан енгган ва жамиятни ислоҳ қилиш йўлига олиб чиққан кишиларми ёки худди навбатдаги Қишки саройни штурм қилгани каби бир соатда уни бахтиёр этишга жазм этганларми?

Ҳар эҳтимолга қарши Каримовга шу нарса равшанки, яхши ишлашни хоҳламаслик ва ноқобиллик, сиёсий тушкунлик ва лоқайдлик, ахлоқий инқироз, қарамлик, ўртамиёналикнинг доимий ҳукмронлиги, сўз ва ишнинг номувофиқлиги — ўтмиш сиёсатининг асл меваларидир. Буларнинг барчаси ўнлаб ва ўн миллионлаб кишиларнинг тафаккурини мажруҳ қилиб қўйганди.

Каримовнинг мижози бу умидсиз ва нажотсиз авлодга дахлдорлик туйғуси билан келиша олмас эди. Билъакс, у ўз иродаси билан бу авлод янги ғоялар билан яшашга қобил эканлигини ва ижобий натижаларга эриша олиши мумкинлигини исботлади.

**(Давоми бор).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## БЮДЖЕТ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР УЧУН ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлаш, солиқ ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришлари учун масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига солиқлар ва бюджетга тўловлар бўйича қарзларни қарздор корхонанинг мулки ҳисобидан ундириб олиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда тўловни қарздор корхонанинг мулки ҳисобидан ундириб олиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсин.

2. Тижорат банклари вакиллик ҳисоб варақларининг ҳолатидан қатъи назар солиқ тўловчида маблағ мавжуд бўлган тақдирда бюджетга тўловлар ўз вақтида ўтказилишини таъминласинлар.

Қарздор корхонанинг сўмлардаги маблағи етарли бўлмаган ва валюта ҳисоб варақларида маблағлари мавжуд бўлган тақдирда вакил қилинган банкларга солиқ идораларининг тақдимномаси бўйича мазкур валюта маблағларини Ўзбекистон Республика валюта биржасида сотиладиган кундаги курс бўйича, бюджет олдидаги қарзни узиш учун зарур ҳажмларда қатъий тартибда сотиш ҳуқуқи берилсин.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

экспорт маҳсулоти (марказлаштирилган экспорт бундан мустасно) республика божхона чегарасидан ўтган пайтдан бошлаб 60 кундан кейин сотилган ҳисобланади ва тегишли барча солиқ тўловлари тўланиши мажбур;

солиқ идораларининг сўрови бўйича банклар ўз мижозлари бўлмиш корхоналарнинг солиқ тўловларини бекаму-кўст ва тўғри тўлаётганликлари устидан назоратини амалга ошириш учун шу корхоналарнинг операциялари тўғрисидаги зарур маълумотларни беришлари шарт;

хўжалик юритувчи субъект хизмат кўрсатувчи бошқа банкка ўтганида у солиқ идорасининг солиқлар ҳамда бошқа тўловлар бўйича ўзининг давлат бюджети билан ўзаро муносабатлари қандай ҳолатда экани тўғрисидаги хулосасини тақдим этиши керак. Бунда хўжалик юритувчи субъект бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргандан кейингина янги ҳисоб-китоб варағини очишга йўл қўйилади;

барча чакана савдо корхоналари, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар тушган нақд маблағларни ҳар куни банк муассасаларига топширишлари шарт. Ушбу талабни бузиш тушумни яшириш деб баҳолансин ва айбдорларга нисбатан амалдаги қонунларга мувофиқ жазо чоралари қўлланилсин;

корхоналар ва тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга векселлар билан операциялар бўйича ёки бажарилиши тўхтатилган шартнома бўйича олдиндан тўлаш ҳолида тушган тўловларни қайтариш мақсадида нақд пул маблағларини тўлашга йўл қўйилмайди. Мазкур пул маблағлари юридик ва жисмоний шахсларнинг тегишли ҳисоб-китоб (жорий) варақларига ўтказилиши лозим. Белгиланган тартибни бузганлик учун айбдор корхона ва тижорат банкига юридик ёки жисмоний шахснинг банк ҳисоб варағига олдиндан ўтказилмай берилган нақд пул маблағи миқдорида жарима солинади.

4. 1996 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси доирасида маҳсулот етказиб бериш тўғрисида мавоза асосидаги шартномалар тузиш тақиқлансин.

5. Тижорат банклари етказиб берилган маҳсулот (бажарилган ишлар, хизматлар) учун ҳақни бевосита маҳсулот етказиб берувчиларга тўласинлар, тўловларнинг учинчи шахслар ҳисобидан ундирилишига йўл қўймасинлар.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу тартибни бузиш даромадни яшириш деб баҳоланади ва айбдорларга нисбатан қонунларда кўзда тутилган жазо чоралари қўлланилади.

6. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда векселларни қўлланиш бюджет билан ҳисоб-китоблар тартибининг бузилишига олиб келмаслигини назарда тутган ҳолда вексел муомаласини такомиллаштиришга оид таклифларни бир ой муддатда тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб республика Молия вазирлиги ва молия идораларининг таркибига республиканинг акциз солиғига тортиладиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи катта корхоналарида акциз солиқлари бўйича инспекторлар лавозимини жорий этиш, уларнинг зиммасига акциз солиқларини хомчўт қилиш ва тушумини таъминлаш вазифаларини юклаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамаси солиқ тўловчи мазкур катта корхоналар, биринчи навбатда вино-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган шундай корхоналарда даромадларни муттасил назорат қилиш ҳамда бюджет олдидаги мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун уларнинг рўйхатини ҳар йили тасдиқласин.

8. Адлия вазирлиги ва маҳаллий ҳокимият органлари солиқ идораларининг тақдимномаси бўйича юридик шахслар олти ой мобайнида молия-хўжалик фаолияти билан шуғулланмаётган бўлса, уларни хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатидан чиқарсинлар.

9. Республика суд ва солиқ идоралари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузишга йўл қўяётган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 176-моддасида кўзда тутилган маъмурий таъсир чораларини кенгроқ қўлласинлар.

10. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг амалга оширилиши устидан назоратни таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 9 август.

